

2025 йил 18 июлдаги “Ўзганинг ҳаққидан ҳазар қилайлик”
мавзусидаги жума тезисига ИЛОВА

Муҳтарам жамоат! Маълумки, узоқ йиллардан буён умра сафарини юқори савияда ташкил этилиши, зиёратчиларга сифатли ва қулай хизмат кўрсатилиши, шунингдек, ибодатларни шариат талабларига мувофиқ адо этиш масалалари Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Ҳаж” ва “Умра” маркази томонидан самарали равишда амалга ошириб келинмоқда. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"الغَازِي فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْحَاجُّ وَالْمُعْتَمِرُ وَفَدَى اللَّهُ دَعَاهُمْ فَأَجَابُوهُ وَسَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ"

(رواهُ الامامُ ابنُ مَاجَةَ)

“... Ҳаж қилувчи ва умра қилгувчи кишилар Аллоҳнинг меҳмонларидир. Агар Аллоҳга дуо қилсалар дуоларини ижобат қилади, Ундан сўрасалар уларга сўраган нарсаларини ато этади”, — деб марҳамат қилганлар.

Азизлар! Жорий йилнинг 9 август кунидан бошлаб навбатдаги умра мавсумини бошлаш кўзда тутилган. Зиёратчилар Саудия Арабистонига “Ўзбекистон ҳаво йўллари” орқали тўғридан-тўғри рейслар билан олиб борилади.

Кўп йиллик амалий тажрибага кўра, умра сафари 10 кунлик муддатни камраб олади. Зиёратчилар аввал 3 кун давомида Мадинаи Мунаввара шаҳрида, сўнгра 7 кун Маккаи Мукаррамада ибодат ва зиёратларни адо этиш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу сафар давомида зиёратчиларимиз учун қулай меҳмонхоналар, миллий таомлар асосида уч маҳал овқатланиш, шунингдек, муқаддас қадамжоларга зиёратлар ташкил этилади. Ибодатлар ва сафар давомида тажрибали ишчи гуруҳи, таникли имом-хатиблардан иборат элликбошилар ҳамда малакали шифокорлар ҳамюртларимизга узлуксиз хизмат кўрсатадилар.

Умра сафарига бориш ниятида бўлган азиз юртдошларимизни “Ҳаж” ва “Умра” маркази томонидан таклиф этилаётган ушбу имкониятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг байтини қайта-қайта тавоф қилиш бахтига мушарраф айласин! Омин!

